

БАНК РЕСУРСЛАРИНИ ОШИРИШДА БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

Калонов Мухиддин Бахритдинович

“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази, и.ф.д., проф,

Мирзаева Матлуба Ғайбулла қизи

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолар” илмий тадқиқот маркази докторанти

Глобаллашув жараёни жадаллашаётган бир пайтда мамлакат иқтисодиётини ривожланишини банкларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Банклар фаолиятининг эркинлиги, уларнинг рақобатдошлиги ва энг асосийси мустаҳкам капитал базасига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Банк капитали банк фаолиятининг дастлабки молиявий асоси ва унинг ривожланиши, барқарорлиги ҳамда хавфсизлигини таъминловчи манба ҳисобланади.

Мамлакатимизда тижорат банклари вужудга келишининг дастлабки давридаёқ банк капиталига асосий молиявий манба сифатида катта эътибор қаратилди. Ушбу ҳатти-ҳаракат ҳозирги кунда ҳам ўзининг иқтисодий жиҳатдан долзарблигини сақлаб турибди. Чунки ҳозирги кунда банкларнинг инсонлар ҳаётидаги ўрни тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиз Президенти бу хусусда тўхталиб: “Банклар энди халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаши лозим бўлади[2]”, деб таъкидлаганлар. Бунинг учун эса банклар молиявий жиҳатдан кучли ва мустаҳкам капитал базасига эга бўлиши талаб этилади.

Банклар ресурс базасининг мустаҳкамланиб бориши иқтисодиётнинг реал секторини узоқ муддатли кредит ресурсларига бўлган талабини тўлақонли қондирилишига замин яратади. Хусусан, мамлакатимиз банк-молия тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсади ҳам республикамиз тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлашга, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини оширишга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизimini ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони билан 2025 йилга қадар банклар устав капиталининг энг кам миқдорини 500 млрд. сўмгача босқичма-босқич ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш вазифалари[2] белгилаб қўйилганлиги мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Банк секторида давлат устун мавқега эга — 31 та банкдан 13 тасининг капиталида давлат иштироки мавжуд бўлиб, уларнинг капитали банк тизими жами капиталнинг 87 фоизидан кўпроғини, активлари эса умумий активларнинг 85 фоизидан кўпроғини ташкил қилади.

2017 йилда бошланган банк секторини ислоҳ қилишнинг фаол босқичи валюта бозорини либераллаштириш, банк фаолиятидаги эскирган чекловларни олиб ташлаш ва банкларни уларга хос бўлмаган функциялардан озод қилиш, банк хизматлари оммабоплигини оширишга қаратилди.

2019 йилда банк тизимида бир қатор сифат ўзгаришлари амалга оширилди. Хусусан банк ишининг замонавий стандарт ва тамойилларига мос келувчи янги таҳрирдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши; Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси иштирокида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизмларининг ислоҳ қилиниши; давлат дастурларини Марказий банкнинг асосий ставкасидан кам бўлган ставкаларда кредитлаш амалиётидан воз кечилиши ва 2021 йилдан кредитлашнинг бозор шартларига ўтилиши; тадбиркорликни ривожлантириш давлат мақсадли дастурлари доирасида кредитлашнинг 3 та банк — АТ Халқ банки, «Агробанк» АТБ ва «Микрокредитбанк» АТБда жамланиши; тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан имтиёзли молиявий қўллаб-қувватлаш механизмнинг Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси орқали ташкил этилиши; бозор тамойиллари асосида ипотека кредитлари ҳисобидан аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилиши;

Жаҳон банки билан ҳамкорликда тижорат банклари фаолияти устидан пруденциал назорат механизмлари ва тартиб-таомилларини уларнинг Базель қўмитаси тамойилларига мос келиши нуқтаи назаридан баҳолашдан ўтказилиши.

Банк секторида давлатнинг устун мавқеи, банкларнинг турли давлат дастурлари ва корхоналарини молиялаштириш учун воситачи сифатида фаол жалб қилиниши қўйидаги тизимли хатарлар ва муаммоларга олиб келди:

Биринчидан Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингдаги паст кўрсаткичлар — рейтингнинг «Кредит олиш» йўналишида Ўзбекистон 67-ўринни эгаллаб турибди;

Иккинчидан йирик тижорат банкларининг тармоқдаги замонавий талабларга мувофиқ трансформация жараёнларида ортда қолиши, корпоратив бошқарув стандартлари, ахборот технологиялари маҳсулотлари, активлар ва пасивларни бошқариш, мижозлар билан алоқа қилиш бўйича замонавий усулларни амалиётга жорий қилишда кечикиши;


давлат иштирокидаги банкларнинг устувор дастурлар, секторлар ва давлат улушига эга корхоналарга бозор ставкаларидан паст ставкаларда кредитлар берувчи анъанавий «ривожлантириш банклари» вазифасини қисман бажариши. Чет эл валютасида узоқ муддатли имтиёзли молиялаштиришнинг мавжудлиги даромад эгри чизиғининг пасайишига олиб келиб, бу, ўз навбатида, давлат иштирокидаги корхоналар учун узоқ муддатли кредитларнинг қисқа муддатли кредитлардан кўра арзонроқ бўлишига сабаб бўлади ва уларнинг миллий валютада эмас, балки чет эл валютасида қарз олишини рағбатлантиради;

активлар ва пассивлар долларлашувининг юқори даражаси мавжудлиги, кредитлар ва депозитларнинг йирик компаниялар ва иқтисодиётнинг алоҳида секторларида жамланиши банкларни валюта ва кредит хатарларига, шунингдек, ликвидлик хавфига дучор қилади. 2020 йил бошида хорижий валютада номиналлаштирилган кредитлар жами кредитлар ҳажмининг 48 фоизини, чет эл валютасидаги депозитлар ва фондлар эса жами депозитлар ҳажмининг 44 фоизини ташкил этади. Давлат иштирокидаги банклар томонидан берилган кредитлар умумий ҳажмининг 36 фоизи 10 та энг йирик қарз олувчилар ҳиссасига тўғри келади;

банклар бизнес-моделларининг корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишга йўналтирилганлиги, нобанк молия ташкилотлари, инновациялар ва ахборот тизимларининг суст ривожланганлиги сабабли молиявий оммабопликнинг паст даражадалиги. Натижада, бошқа мамлакатларда жисмоний шахслар ва корпоратив мижозларга ажратилган кредитлар бир меъёрда тақсимланган бир вақтда, мамлакатимизда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар жами кредит портфели ҳажмининг 19 фоизини, корпоратив мижозларга ажратилган кредитлар эса 81 фоизни ташкил этмоқда;

нобанк кредит ташкилотлари, шу жумладан микромолиялаштириш институтларининг етарли даражада ривожланмаганлиги. Бунинг оқибатида фаолиятини энди бошлаётган тадбиркорлар қатламини қамраб оладиган, уларнинг босқичма-босқич банк кредитларини жалб қила оладиган тўлақонли бизнес даражасигача «ўсишига» имкон яратувчи самарали механизмлар яратилмаган.

Республикамиз амалиётида йиллар давомида тижорат банклари ресурс базасининг мустахкамланиб бориши кузатилмоқда. Бунда албатта, банклар капиталининг ўрни ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Республикамиз хусусий банклар капитали охириги йилларда сезиларли суръатларда ўсди. Бу эса, мамлакатимиз ҳукумати ва Марказий банк томонидан тижорат банкларининг устав капиталини ошириш сиёсатини олиб борилаётганлиги билан изоҳланади. Умумий холда, республикамиз хусусий банкларининг жами капитали динамикасини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган банкларнинг сони ва хусусий банларнинг ресурс базасини ҳажми динамикаси (млрд.сўм). [12]

Юқоридаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Республикамизда фаолият юритаётган барча хусусий банкларнинг сони йиллар давомида камаётганини кўришимиз мумкин. 2024 йил 1 январь ҳолатига 37 та тижорат банкдан бор йўғи 4 таси хусусий банкларни ташкил этгани банк тизимида хусусий капиталнинг ўрни нечоғли оғриқли ҳолат эканлигини кўришимиз мумкин.

Шундай бўлсада, охириги 6 йилда хусусий банкларнинг ресурс базаси мустақамланиб, 2018 йилда 8926 млрд.сўмдан 2023 йилга келиб эса 31163 млрд.сўмгача ўсиб, 5 йил давомида хусусий банкларнинг жами ресурс базаси 2,6 баробарга ошган. Бунни қуйидаги жадвалда ҳам кўришимиз мумкин.


1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси хусусий банкларининг ресурс базасини таркиби таҳлили [12]

Кўрсаткичлар	2019		2020		2021		2022		2023	
	млрд.сўм	%	млрд.сўм	%	млрд.сўм	%	млрд.сўм	%	млрд.сўм	%
Ўз маблағлари	1 627	13,8	3 007	20,1	3 685	19,1	4 442	16,3	5 977	19,2
Жалб қилинган маблағлар	10 157	86,2	11 919	79,9	15 584	80,9	22 854	83,7	25 186	80,8
Жами ресурс базаси	11784	100	14925,6	100	19269	100	27296	100	31163	100

1-жадвал маълумотларидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, хусусий банклар ресурс базаси ҳажми 2019 йилга нисбатан 2023 йилда

19380 млрд.сўмга ёки 2,6 баробарга ошган. Ушбу ўзгаришга жалб қилинган маблағлар ҳажмининг 15029 млрд.сўмга ва ўз маблағларини 4351 млрд.сўмга ўсиши ҳисобига таъминланган. Хусусий банкларнинг ресурс базасини ҳажм жиҳатидан кўпайишини ижобий баҳолаган ҳолда, таҳлил қилинаётган даврда хусусий банкларнинг ресурс базаси нисбий тузилишида ўзгаришлар ўз маблағлари салмоғи 2019 йилда 13,8 %дан 2023 йилда 19,2% гача ўсиши ва бир вақтнинг ўзида жалб қилинган маблағлар улуши эса аксинча, 2019 йилда 86,2 %дан 2023 йилда 80,8 % гача қисқариши сабабли кузатилган. Бу ҳолатни ҳам ижобий баҳолашимиз керак ҳисобланади. Сабаби банкларнинг ўз маблағларининг жамидаги улуши қанчалик ошиши банкнинг мустақиллигини шунчалак мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг [13] қабул қилиниши ҳам хусусий банкларнинг ўз маблағларини кескин ошишига туртки бўлди. Қарорда банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган асосий вазифалардан бири сифатида республикада фаолият юритиб келаётган барча банклар 2019 йил 1 январгача устав капиталининг энг кам миқдорини 100 млрд. сўм қилиб белгилан эди. Бугунги кунга келиб, барча банклар учун устав капиталининг энг кам миқдори 200 млрд. сўм қилиб белгиланган.



3-расм. Ўзбекистон Республикаси хусусий банкларининг ресурс базасини тузилиши (01.01.2024 йил ҳолатига фоизда) [12]

Юқоридаги амалга оширилган ислохатларга қарамасдан, ҳозирги даврда республикада хусусий банкларнинг ресурс базаси ва умумий капитали банк секторининг жами умумий капитал ҳажмидаги салмоғи паслигича қолмоқда. Хусусий банкларнинг жами ресурс базаси барча

тижорат банклардаги улуши бор йўғи 4,8 %ни ва ўз маблағларини эса 6,2 %ни ташкил этишини ижобий баҳолаб бўлмайди[12].

Хусусий банклар ресурс базасини таҳлил қилинганда, унинг таркибини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Расм маълумотларидан кўришиб турибдики, хусусий банкларнинг ресурс базасини таркибида 2023 йилда асосий улушни мижозларнинг маблағлари ташкил этмоқда. Унинг улуши 66,5 %ни ташкил этган. Ундан кейин катта солмоққа эга ресурслар бошқа қарз маблағлари ва устав капитали эгаллаган. Уларнинг улуши мос равишда 10,5 ва 9,7 %ни ташкил этмоқда. 2024 йил 1 январь ҳолатига хусусий банкларнинг нодепозит маблағларининг ресурс базаси тузилишидаги улуши 17,3% ни ташкил этиб, унинг асосий қисмини бошқа қарз маблағлари (10,5%) ташкил этган. Афсуски, хусусий банкларнинг нодепозит операцияларнинг таркибидаги чиқарилган қарз қимматли қоғозлари ва захира капиталининг улуши умуман йўқ ҳисоб. Улар мос равишда 0,01% ва 0,1%ни ташкил этиши хусусий банкларнинг қўшимча капитали етарли даражада шакллантириладиганидан далолат беради. Бундан кўринадики, хусусий банкларнинг ресурс базасини тузилишини оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратишлар керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, тижорат банкларининг иқтисодиётдаги бўш пул маблағларни етарли даражада жалб этиши ва ушбу маблағларни самарали жойлаштиришни бошқариш ҳозирги кунда уларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистонда бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви ва иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши натижасида тижорат банклари ўртасида молиявий ресурсларга бўлган талабнинг янада кучайганлигидандир. Натижада, банкларнинг арзон ва муддати жиҳатдан “узун” маблағларга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши ресурс базаларни шакллантириш ва уларни самарали бошқариш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Мазкур ҳолат мамлакат миқёсида мавжуд бўлган вақтинча бўш пул маблағларни банклар ўртасида “тақсимлаш” да ва молия бозоридан қўшимча ресурсларни жалб этишда банклар ўртасидаги эркин рақобатни кучайишига ижобий самара кўрсатмоқда.

Юқоридаги тадқиқ ва таҳлиллар асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Хусусий банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун қўшимча капиталининг ҳажмини ошириш керак.

Бунинг учун, биринчидан, хусусий банкларда субординар қарз мажбуриятларининг чиқариш керак. Иккинчидан, хусусий банклар қошида кредит муассасалари очиш амалиётининг такомиллаштириш керак.

Ривожланган мамлакатларнинг банк амалиётида хусусий банклар қошида траст, лизинг, факторинг ва форфейтинг компаниялари каби кредит муассасаларини очиш кенг тарқалган. Бунинг натижасида уларнинг

актив операцияларини ривожлантириш имкони юзага келади ҳамда қўшимча капитали миқдори ошади.

2. Хусусий банклар ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида бозор воситалари ва механизмларидан самарали фойдаланиш керак. Бунинг учун, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда омонатлар ва депозитларнинг янги турларини мунтазам жорий этиб бориш, муомалага узоқ муддатли облигациялар, депозит сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга, шунингдек, субординанланган қарзларни фаол жалб этиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш режалаштириш зарур.

3. Хусусий банклар акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида оммавий тарзда олди-сотди қилинишини (IPO) таъминлаш лозим. Бунинг учун аввало тижорат банклари томонидан оддий акцияларга тўланадиган дивидендлар даражасини инвесторлар манфаатига мақбул келадиган даражага етказиш лозим. Бунда ҳукуматнинг қисқа муддатли облигацияларга тўланадиган фоизлардан асос сифатида фойдаланиш, инвесторларнинг банк акцияларига қилган қўйилмалари ва улардан оладиган даромадларига инфляция даражаси ва валюта курси таъсирини ҳисобга олиш зарур. Кўпгина тижорат банклари устав капиталини ошириш мақсадида соф фойдани асосий қисмининг бир неча йил кетма-кет капиталлаштиришлари уларнинг тўлайдиган дивидендларини камайишига олиб келмоқда. Соф фойданинг капиталлаштирилишида капитални шакллантириш матрицасидан фойдаланиш ва дивидендларнинг доимий ўсиш тенденциясини ушлаб туриш лозим. Акс ҳолда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида акцияларга бўлган барқарор талабни юзага келтириш ва банк акцияларининг бозор баҳосини аниқлаш имкони бўлмайди.

Ўйлаймизки, юқоридаги таклифларнинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимиз хусусий банкларнинг ресурс базасини тўғри шаклланишига ҳамда бунинг натижасида хусусий банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 25 октябрдаги “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш борасидаги устувор вазифаларига бағишланган йиғилиши”даги маърузаси.* www.prezident.uz
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5992-сонли “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ- Фармони, 2020 йил 12 май*
3. *Коробова Г.Г. Банковское дело: Учебник. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Магистр, Инфра-М, 2015. — 592 с.*
4. *Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. Изд.4, стереотип. — М.: «Ленанд», 2014. с. 328.*
5. *Банковское дело. Под.ред. проф.О.И.Ловрушина — М.: «КноРус», 2016. с 800.*

6. Жан Матук. Финансовые системы Франции и других стран. Том I. Пер. с англ. – М.: «Финстатинформ», 1999. с. 25.
7. Ш.З.Абдуллаева, А.А.Омонов. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. – Т.: «Иқтисод-молия», 2006. 120 б.
8. Қурбонов, Р. (2022). Банklar капиталлашув даражасини оширишнинг долзарб масалалари. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(4), 96-101.
9. Kurbanov, R. (2020). The practice of strengthening of resource base in private banks. *International Journal of Economics, Commerce and Management*, 8(3), 23485-0386.
10. Kurbonov PhD, R. (2021). Analysis of efficiency indicators of private banks activity. *International Finance and Accounting*, 2021(1), 11.
11. Крис Дж. Барлтроп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках. Материалы ИЭР. Том II. Всемирный банк. Вашингтон 2002. с 240
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари. www.cbu.uz
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори – Тошкент, 2017. – № 37. – 27-б.

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ УПРАВЛЕНИЯ В БАНКАХ

Муминова М.Б.

DSc., доцент кафедры

“Банковское дело и инвестиции”, ТГЭУ

«Основой экономического развития страны является эффективное осуществление деятельности участников финансового рынка. Стабильность, ликвидность и прибыльность банковской системы, являющейся одним из основных финансовых рычагов, имеет актуальное значение для каждого коммерческого банка.

В этом случае целесообразно обеспечить устойчивость и ликвидность банковской системы, а также сформировать «защитные подушки» от внутренних и внешних рисков.

Однако в банковской системе до сих пор имеются нерешенные проблемы, и в связи с этим Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев сказал, «...более половины кредитного портфеля государственных банков принадлежит 5 крупным государственным предприятиям. Качество банковских услуг не на должном уровне, так как они все еще используют устаревшее программное обеспечение.

В целях создания здоровой конкурентной среды в системе постепенно сокращается участие государства в банковской деятельности. В частности, процент кредитов по госпрограммам уравнивали со ставкой рефинансирования и с 2021 года предполагалось ее полную либерализацию. Это побуждает банки находить больше клиентов, привлекать ресурсы, искать и развивать кредиты»[1].